

Фурқон сураси, 61-оят

МУЪЖИЗА

ОЙ НУРИНИНГ АКС ЭТТИРИЛГАН НУР ЭКАНИ

تَبَارَكَ الَّذِي جَعَلَ فِي السَّمَاءِ بُرُوجًا وَجَعَلَ فِيهَا سِرَاجًا وَقَمَرًا مُنِيرًا



«Осмонда буржлар қилган ва унда чироқ ва нур сочгувчи ой қилган Зот баракотли-буюк бўлди.»

Фурқон сураси 61-оят

Қуръондаги қуёшни билдирувчи арабча сўз **шамс** бўлиб, уни ифодалаб **сирааж** сўзи ишлатилган, бу **«чироқ»** маъносини билдиради, ёки **«машъала»** маъносидаги **вахҳааж** сўзи, ёки **«зиё»** маъносини билдирувчи дия сўзлари ишлатилади. Бу учала таърифнинг барчаси тўғри, зеро қуёш давомий иссиқлик ва ёруғликни ички ёнув орқали ҳосил қилади. Ойни англатувчи арабча сўз қамар бўлиб, Қуръонда уни тасвирлаб муниир сўзи келади, бу **«нур таратувчи»**, яъни **«нурни акс эттирувчи»**, деган маънони билдиради.

Шафсири Хилал  

@islomuz_kanal

10:28 / 02.08.2017 8419

Дастлабки сивилизацияларда, ой ўз нурига эга, деб таъкидланган. Бугунги кунга келиб эса, илм-фан оининг нури фақатгина қуёш нурининг акси эканини айтмоқда. Қуръон эса бу илмий фактни бундан 1400 йил олдин айтиб қўйган:

«Осмонда буржлар қилган ва унда чироқ ва нур сочгувчи ой қилган Зот баракотли-буюк бўлди.» (Фурқон сураси, 61-оят)

Қуръондаги қуёшни билдирувчи арабча сўз шамс бўлиб, уни ифодалаб сирааж сўзи ишлатилган, бу «чироқ» маъносини билдиради, ёки «машъала» маъносидаги вахҳааж сўзи, ёки «зиё» маъносини билдирувчи дия сўзлари ишлатилади. Бу учала таърифнинг барчаси тўғри, зеро қуёш давомий иссиқлик ва ёруғликни ички ёнув орқали ҳосил қилади.

Ойни англатувчи арабча сўз қамар бўлиб, Қуръонда уни тасвирлаб муниир сўзи келади, бу «нур таратувчи», яъни «нурни акс эттирувчи», деган маънони билдиради. Яна бир бор Қуръоний ифода ойнинг табиий ҳолатига тўлалигича мувофиқ келмоқда, яъни, ойнинг бевосита ўзи нур сочмаслиги, фақатгина қуёш нурини акс эттириши айтилмоқда. Қуръонда бирон жойда ойни ифодалаб сирааж, ваҳҳааж ёки дия сўзлари ёки қуёшни ифодалаб нур ёки муниир сўзлари келмаган. Бу шуни англатадики, Қуръонни нозил қилган Зот қуёш нури ҳамда ой нурининг бир-биридан фарқли эканини жуда яхши билган.

Қуйидаги оятлар қуёш ва ойдан келаётган нурнинг моҳиятига оид:

«У қуёшни зиё ва ойни нур қилган ... зотдир» (Юнус сураси, 5-оят)

Ва яна бир оятда Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Аллоҳ етти осмонни қандоқ қилиб табақама-табақа яратиб қўйганини кўрмадингизми? Ва улар ичида ойни нур ва қуёшни чироқ қилиб қўйганини кўрмадингизми?» (Нух сураси, 15-16-оятлар)

Шундай қилиб, Қуръони Карим ва замонавий илм, қуёш нури ва ой нури ўртасидаги фарқ борасида ўзаро мувофиқ фикрда эканини билиб олдик.